

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 22 декабрь сешанба  
Сотувда эркин нархда № 250 (2031)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

## АЙЛАНДИ МИЛЛАТНИ СОАТ ДУШАНБА ХАВАРЛАРИ

### ЎЗГАРИШ

#### БУ ГУЗАРДА ПУЛ... СANAЛМАЙДИ

Тезиз туманидаги «Халқобод» ширкатлар уюшмаси қишлоқнинг қоқ ўртасида гузар барпо этди. Бу ерда 18 хил хизмат: этикдўзлик, сартарошлик, бичиш-тикиш цехлари... ва ҳоказолар жамланган.

Сурхондарёда ҳозир қишлоқ гузарлари сони йигирмага етди. Лекин «Халқобод» гузарининг иши бошқалардан фарқ қилади. Гузарнинг ҳечиси ёки устaxonасида иши тушган одам чўнтэк қовлаб ўтирмайди. Масалан, радиоси таъмирландими, устаса нақд пул тўламайди. Уста мижозининг исми-шарифини ёзиб қўлади. Мижозлар рўйхатини белгиланган муддатларда уюшманинг ҳисобxонасига тақдим қилади. Ҳисобчилар ўз наолибига хизмат ҳаққини ўша мижознинг даромадидан касриб, гузар ҳисобига ўтказадилар.

«Халқобод» гузарининг ободлигини гавжумлиги — ана шундан бўлса ажабмас.

О. УСАНОВ,  
«Жалқ сўзи» мухбири.

### ТОПИЛМА

#### ХУМДАН 322 ТА ТАНГА ЧИҚДИ

Тарихдан маълумки, Мирзо Улуғбекнинг қайлими Фарғона заминига етиб келмаган. Лекин Тошқоқ туманининг Кўприкбўши қишлоғида улуг бобомиз зарб қилган тангаларнинг топилгани тарихий янгиликдир. Янги ун-жой қураётган Исмомжон Оршов томиркасидан хумча ичира чиройли қилиб тахланган Улуғбек даврига оид 322 данга танга топилди, — деб хабар беради муҳарриримиз Набижон Собир. — Тарихий аҳамиятга мўлҳиб бу ноёб топилмаларни Кува туманида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Фанлар академияси Я.Ғаломов номидоги археология институти Самарқанд бўлими кўмишлари — лийи, тангашунослари катта тарихий-илмий аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар.

Мутахассислар бу тангалар Мирзо Улуғбек пул реформаси ўтказган 1428-1429 йилларда савдо-сотихда ишлатилган, деб тахмин қилишмоқда.

Тангаларнинг қарий ярми устидан муҳр босилиб қайтадан зарб қилинган. Ҳуждорлар ўзгаргандан сўнг муомаладаги тангаларга шундай ишлов берилган. Агар қайта зарб қилинмаса, тангаларнинг қиймати тенг ярмига пасайган. Фарғонадан топилган мис тангалар Темирийлар даври пул сайёсининг ўзига хос хусусияти ва тарихидан далолат беради.

### ЎЗТВ «МАЗВУ» ИЖОДКОРЛАРИГА

#### ХАЛҚҚА ЮЗ БУРИШ ПАЙТИ КЕЛДИ

— Кейинги пайтларда матбуотда жиддий ўзгаришлар бор. Кескир, дадил гаплар айтиляпти. Газеталар одамларни ўйлантираётган муаммоларни жуда чиройли ёриталяпти, — деб ёзди марйонлик сазетхон Нехматжон ака Нуриддинов. — Бугунги телевидение аввалги пайтдагидан кескин фарқ қилади. Кўз темамаси. Масалан, «Мавзу» кўрсатуви бунун оиламиз билан томоша қиламиз. Ҳар сонини сабрсизлик билан кутамиз. Бошловчи Рўзвояй Қўлдошев телетомошаниларнинг қўнғирқор орқали айтаган таъкидлий фикрларини ҳам бемалоҳ, очиқ-ойдин кўрсатув жараёнида гапириб ўтади. Тўғридан-тўғри эфирга узатилаётган бу кўрсатувда халқ билан яқин мулоқот йўлга қўйилди.

Кўрсатув ижодкорларига битта тақлифим бор. Ҳеч бўлмаса ойна бир марта вилоятларнинг ўзида туриб раҳбар ва халқ мавзусида кўрсатув тайёрласан... Раҳбарлар халқ қаршисида туриб, оддий кишилар савоаларига жавоб берсалар.

### ИБРАТ

#### САБОҚ МАДҲИЯ БИЛАН БОШЛАНАДИ

— Тошкент шаҳридаги 17-синфлик мактабида Мустақилликнинг билан тенгдош фарзандларимиз 1-синф ўқувчилари дўшанба кунин ўқитиш тик турган ҳада Ватанимиз Мадҳиясини кўйлаш билан бошлайдилар, — деб ёзди Шайхонтоҳур туманидан С. Абдуллаева. — Ширин, ёқимтой, беғубор овози билан Ватанимиз мадҳия эшилар экан кучли ва қўратили, шиддатли бир тўққинга ўхшайди улар. Ҳа, дўшанба — сабоқнинг илк кунин. Дастлабки саотда Мадҳия айтаб билим дунёсига юз буришини замирида узатқилиш чинилиш бор. Ўқувчилар бор. Муракб юракларга ўзликнинг сингиб бориши бу!

Соат миллиларини Қўчқор НОҲҚОБИЛ кузати.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

## ОРОЛБЎЙИДА БЕРДАҚ ТАНТАНАЛАРИ

19 декабрь кунин Нукусда мумтоз қорақалпоқ шоири Бердақ (Бердимурод Қарғабой ўғли) таваллудининг 170 йиллиги кенг нишонланди.



Тантаналар эрталаб шоир номи билан аталувчи Қорақалпоғистон мусикали театри майдонидоги Бердақ ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш билан бошланди. Бу маросимда Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан, шунингдек, Марказий Осиё давлатларидан келган меҳмонлар иштирок этди. Тантана қатнашчиларининг Нукус Давлат университети қошида қурилиши поёнига етган Бердақ музейи майдонига талабалар билан учрашуви гоёт таъсирчан бўлди. Бу ерда Бердақ ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган намоийш этилган театрлаштирилган томошалар шоир шеърларига басталанган кўшиқларга, дилрабо миллий рақсларга уланиб кетди. Меҳмонлар дўстлик богига қўчатлар ўтказишди. Шаҳарнинг марказий — Республика майдонига юбилейга бағишланган миллий унарманлик, халқ ижодиёти намуналари кўргазмаси намоийш этилди.

Бердақ таваллуд тўйи тантаналари у тўғилиб воёга етган Бўзатов туманидаги шоир номи билан аталувчи маданият ва истироҳат богида давом этди. Бу ерда шоирга бюст ўрнатилди. Шу муносабат билан

туман меҳнатқашлари вакиллари ва Қорақалпоғистоннинг бир гуруҳ маданият ходимлари, ёзувчилари иштирокида тантанали митинг бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар Бердақ ижоди келгуси авлод учун ҳам бебаҳо маърифий мерос эканлигини қайд этдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Бердақ номидаги мусикали театрда шоир таваллудининг 170 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А.Тожиев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мумтоз қорақалпоқ шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев ўқиб эшиттирди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши Раиси Т.Қамоллов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Т.Қайбергенов кечада сўзга чиқиб, Навоий ва Маҳтумқўлини устоз деб билган, халқларди, тотувлик ва ҳамжихатлик, маърифатни ўз шеър ва достонларига бағишлаган Бердақ ижоди ҳозирги авлод учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Тантанали кеча қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига мурожаатнома қабул қилдилар.

Кеча Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон санъат усталари ижросида катта концерт дастури билан якунланди.

Юбилей тантаналарида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х. Кароматов иштирок этди.

А. ИСКАНДАРОВ,  
ЎЗА мухбири.

### ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Шўртан газ-кимё мажмуи ишларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни Бош вазирнинг ўринбосари, макрокисодиёт ва статистика вазирини Б.Ҳамидов бошқарди.

Йиғилишда йил охирига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган ишшоотларда қурилиш ишларининг бориши таҳлил қилинди. Етоқхоналар, турар-жой бинолари, ўқув корпуси, ҳаммом, ошхона, озиқ-овиқ омбори, новийохона ва бошқа иж-

тимоий объектларда қурилиш ишларини ниҳонига етказиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Шунингдек, йиғилишда 1999 йилда қурилиши режалаштирилган мажмуа ишшоотлари бўйича бюжетларчи ва бош пуаратчи, ёрдамчи пуаратчи ташиқлотлар ўртасида шартномалар тузиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Комиссия йиғилишида Бош вазир ўринбосари А. Исаев, Қашқадар вилояти ҳокими Ш. Бегматов иштирок этди.

А. ТАЙПАТОВ,  
ЎЗА мухбири.

### Биринчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йил 24 декабрь кунин

Биринчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясини 1998 йил 24 декабрь кунин соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 23 декабрь кунин соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинди.

### Сийёсий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокин таркибига киривчи Олий Мажлиси депутатлари диққатига

22 декабрь кунин «Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг йиғилиши Олий Мажлиси ҳўзуридоги Амаддаги қонун ҳужжатлари мониторинг институтининг мажлислар залида соат 16 да, Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса, ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида соат 17 да бошланди.

23 декабрь кунин «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси Тошкент давлат юридик институтининг залида соат 9.30 да, ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокнинг йиғилиши эса Олий Мажлисида соат 16 да бошланди.

## Атоқли қорақалпоқ шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга МУРОЖААТНОМАСИ

Муҳтарам Ислам Абдуганиевич!  
Биз буюк бобомиз Бердақнинг 170 йиллик тўйи муносабати билан йўллаган табрик хатингизни зўр қизиқиш билан қутиб олдик. Уни барча туркий халқлар фарзанди хотирасига, у орқали бутун қорақалпоқ халқига кўрсатган катта эҳтиром, ҳурмат-иззатингизни ифода қилиш, деб билдик. Табригингиз барчамизни эзгу ниятларга, Сизнинг адолатли раҳбарлигингиз остида юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган шартномаларга руҳлантиради.

Бутун Ўзбекистонда ўтказилган Бердақ тўйи мамлакатимиз ҳақидаги ўртасидаги муштақоб дўстликнинг, қардошлиқнинг, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатнинг беқиёс рамзига айланганлигини гўрур билан таъкидлаймиз. Бугунги байрам халқимизнинг она юртимизга чекиш меҳр-муҳаббатини, унинг буюк келажакига ишончини яна бир бор оширади.

Байрам кунинда турли миллат вакиллари бир тани — бир жон бўлиб Бердақ мероси барча халқларнинг миллий маданияти ва ифтихорига айланганлигини намоийш этишди. Сиз олиб бораётган адолатли, халқпарвар сийёсатингизни халқимиз чин юракдан қўллаб-қувватлаб, буюк келажак йўлида ўзларининг муносиб ишлари билан жавоб берадилар, чинкакамиза улар мақсадлар билан яшаб, истиқлол юлларини орақларига жо этадилар, унга садоқат билан хизмат қиладилар.

Нукус шаҳри,  
1998 йил 19 декабрь



ГРЭСигача етиб боради. Бундан ташқари қўллаб-қувватлаб халқ истеъмолчи моллари, тиббиётда қўланиладиган асбоб-қуроллар ишлаб чиқарилади. Корхонада айни пайтда 1700 киши хизмат қилади. Агар устаси билан 10 ойда 640 миллион 715 миң сумлик маҳсулот тайёрланган бўлса, жерий йилнинг 10 ойи мобайнида унинг ҳажми 701 миллион 405 миң сумни ташкил этди.

СУРАТЛАРДА: ишчилар Нурлан Мўминов ва Улмас Мирғенов иш устаси; Н. Шониев қўнчиликка ўрнатилмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН МУКАММАЛЛИК МЕЗОН БЎЛДИ

Олий Мажлисининг бўлажак сессияси кун тартибига «Реклама тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг киритилганлигини маънавий-ахлоқий юксалтириш борасида қилинган сийёсат-ҳаракатлар ўнда ташланган яна бир муҳим қадам сифатида баҳоламоқ жоиз.

«Реклама тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси барча реклама билан шуғулланувчи ташиқлотлар қатори республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси бадий кенгаши аъзолари, унинг шаҳар ва вилоят бўлиmlари мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда атрофида муҳокама қилинди. Унда ушбу қонун лойиҳасига тақлиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Жумладан, қонун лойиҳасининг 12-моддасида ижтимоий рекламани ахборот ҳақида сўз боради. Назаримизда бунда ижтимоий рекламани ахборот сўзи жуда тор донирда берилган. Чунки ҳукуматимиз томондан маънавиятга оқсак эътибор билан қаралаётган пайтда ижтимоий реклама алоҳида бўлиб берилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Қонун лойиҳасининг шу моддаси ижтимоий рекламани ахборот деб эмас, балки, кенг маънода ижтимоий реклама деб номланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўринда қонун лойиҳасида ижтимоий реклама берувчиларга кенг йўл очиб бериш керак. Ижтимоий тартибот тарихида ёзилган, масалан, «Хуш келибиз», «Меҳмонларга амангил салом» де-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

21 декабрь кунин биринчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясида тайёрлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича депутатлар иши гуруҳининг якуналовчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева олиб борди.

Мажлисида 24 декабрь кунин ўн ишини бошлайдиган парламентнинг ўн учинчи сессиясига тайёрлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича шу кунга қадар амалга оширилган ишларга яқин ясалди. Қачиқ гуруҳларнинг раҳбарлари А. Иўлдошев, Э. Воҳидов, И. Қочмарик Олий Мажлисининг бўлғуси сессиясида қўриб чиқилган қонунлар ва бошқа материалларнинг лойиҳалари жойлардаги барча депутатларга ўз вақтида етказиб бериладигани маълум қилдилар. Келиб тушадиган тақлиф ва мулоҳазалар Олий Мажлисининг тегишли кўмиталарида синчковлик билан ўрганилмоқда ҳамда сессияга доир материаллар узи-кесиқ қайта ишлаб чиқилганда ҳисобга олиномоқда. Айни бир пайтнинг ўзида сессия ўтказилган кўнларда депутатларга ташкилий-техник, бошқа кизматлар кўрсатиш бўйича, уларнинг қонунчилик фаолияти самарали бўлиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб бориномоқда.

Сессия арафасида сайлов округларида Олий Мажлис депутатлари билан учрашувлар ўтказилганлиги алоҳида таъкидланди. Учрашувларда парламент сессияси муҳокамага киритилган ҳуқуқий рўқдани қўзғатиш лойиҳаларининг мазмуни ва йўналиши чуқур тушунирилди, тайёрланган қонун лойиҳалари юзасидан сайловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

Б. Шодиева аввал оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган сессиянинг дастлабки кун тартибига киритилган янги масалалар ҳуусида якуновчи мажлис қатнашчиларига ахборот берди. Янги тайёрланган қонун лойиҳаларининг ислоҳотларини янада чуқурлаштиришдаги аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги пайтда 1999 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг лойиҳаси мамлакатимиз учун алоҳида муҳим аҳамият касб этган ҳужжатдир. У декабрь бошларида Олий Мажлис Кенгашининг мажлисида дастлабки тарзда қўриб чиқилди, сўнгра қўшимча равида ишлаб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига юборилди. Ҳозирги пайтда унинг янги вариантлари парламентнинг тегишли кўмиталарининг депутатлик фракцияларида талба-чанлик билан ўрганилмоқда.

Мажлисида сўзга чиққан парламент кўмиталарининг раислари сессияга тайёрлик кўришининг якуновчи босқичида ҳужжатлар устаси олиб бориладиган ишлар ҳуусида ахборот бердилар. Олий Мажлисининг навбатдаги ўн учинчи сессияси уюшқоқлик билан ўтди ва муқтақил республикамиз тараққиётининг ҳуқуқий базисини мустақамлаш йўлида яна бир муҳим босқич бўлиб қолади, деб ишонч билдирилди.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚҮМИТАЛАРИДА

Кеча Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни қўмита раиси А. Аҳлов олиб борди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетни лойиҳаси муҳокама этилди. Маъмур масаласида молия вазирини Р. Азимовнинг ахбороти тинланди.

1999 йилги давлат бюджетни лойиҳасини таъйишдаги таъкидланган ишларнинг ислоҳотларини чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ва таълим масалалари устаси йўналишлар этиб белгиленганлиги айтаб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, навбатдаги сессия кун тартибига киритилган Солиқ Кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Шунингдек, йиғилишда қўмитанинг 1999 йилга мўлжалланган иш режаси таъкидлаб, муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева сўзга чиқди. 21 декабрь кунин Олий Мажлисининг Сайлот, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни қўмита раисини И. Қочмарик бошқарди.

Йиғилишда Олий Мажлисининг XIII сессияси муҳокамага киритилган «Радиоочастота спектри тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарор лойиҳалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидоги биринчи масала юзасидан Ўзбекистон Республикасининг радиочастотада давлат монополияси раисининг ўринбосари К. Қоновалов сўзга чиқди. Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси янги иқтисодий шариотда рацонасозлар соҳасидаги ишларни тўғри ташкил этиш ва ҳуқуқий асосда мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Бундан мақсад фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, атоқли муҳитнинг ҳавфизлигини таъминлашдан иборатдир.

Йиғилишда ушбу қонун лойиҳаси бир овоздан маъқуланди. Олий Мажлисининг қарор лойиҳалари ҳақида қўмита аъзосини Х. Ҳамидов ахборот берди. Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисида, шунингдек, қўмитанинг 1998 йилги иш фаолияти муҳокама қилинди ҳамда 1999 йилга мўлжалланган иш режаси таъкидланди. Шу кунин Олий Мажлисининг Муҳофаза ва ҳавфсизлик масалалари қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раисини Б. Наймов олиб борди.

Йиғилишда парламентимизнинг навбатдаги ўн учинчи сессиясининг кун тартибига тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунининг 1998 йилда ҳарбий кизматта қақирувни ўтказиш жиҳатидан бажарилиши ҳуусидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И. ЛАТИПОВ,  
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси.





Анджон вилоятининг Пахтабод туманида деҳқон-фермер хўжаликлари фаолиятига катта эътибор берилмоқда. Буни туманда фаолият кўрсатаётган ана шундай хўжаликлар томонидан жорий йилда 250 тонна гўшт, 320 тонна сўт, 3452 тонна дон, 1862 тонна пахта, 151 тонна картошка, минг тонна सबзавот тайёрланганидан ҳам била бўлади.

«Абдулазиз ота» чорвачилиқ фермер хўжалигини тумандаги энг илгор хўжаликлардан бири, дейиш мумкин. Айни пайтда бу ерда 90 бош қорамол парвариши қилинмоқда. Хўжаликда жорий йилда 6 тонна гўшт, 65 тонна сўт, 25 тонна пахта тайёрлаш кўзда тутилган. Шу

боис даромадлари ҳам мақсид эмас. «Маданият» қишлоғида «Абдулазиз ота» фермер хўжалиги кўмаги билан энг узар қурилиши бошлаб юборилди. Гузарда нововихона, қасобихона, озиқ-овқат дўкони, ошхона, сартарошхона бунёд этилади. Шунингдек соатига 250 килограмм ун чиқарадиган тегирич, 200 килограмм шали оқлайдиган обжуров ҳам қурилмоқда. Даромадга қараб буролод, деб шунга айтсалар керак.

**СУРАТЛАРДА:** фермер Насибжон Абдулазизов сўт соғувчи Зайнабхон Мирзарахимовадан ҳисобот қабул қилмоқда; бу ерда бузоқлар алоҳида парвариши қилинади.

**Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА)**  
олган суратлар.

**Пекинда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.**

Мажлиса юқори миқёсдаги таширлар алмашинуви ва олий даражадаги икки томонлама учрашувлар давомида имзоланган шартномалар уларнинг узоқ муддатли, барқарор ва муваффақиятли ривожига мустақкам асос бўлгани тасдиқлаб ўтилди.

Икки томонлама ўзаро фойдаланиш савдо-иқтисодий муносабатларини чуқурлаштиришни самарали йўналиши Хитойнинг йирик корпорациялари ваколатхоналарини таъсис этиш ва кўшма корхоналар тузишга боғлиқлиги эътироф этилди. Ҳозирда улардан унтаси алақачон Ўзбекистонда му-

## Хамкорлик МУСТАҲКАМ АСОС СОЛИНДИ

ваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Мажлиса хитойлик тадбиркорларнинг ўзбек фирма ва компаниялари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қизиқатганликлари алоҳида тасдиқлаб ўтилди. Уларни Ўзбекистон Республикасидаги инвестициялар учун қулай иқлим, сийсий ва иқтисодий барқарорлик жалб этмоқда. Тасдиқлаб ўтилдики, мамлакатнинг катта илмий-техникавий ва иқтисодий салоҳияти, ўтказилаётган илоҳотларнинг самараси Ўзбекистон-Хитой савдо-иқтисодий алоқаларини янги поғонага кўтаришга имкониятлар очиб беради.

Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни янада юксалтиришга ва фаол ривожланишига, юксак технология-

лар асосида ишлаб чиқарилган экспортбон маҳсулотлар улушини оширишга, мавжуд захира ва имкониятларни тўла ишга солишга кўмак беришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Хитой тарафдан ҳукуматлараро комиссияси раиси, ХХР ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазирининг уринбосари Чжан Сиан транспорт коммуникациясини ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятини тасдиқлаб ўтди. Бу борада Синжоннинг жанубий-ғарбда жойлашган Корла шаҳридан Аксугача, йилга 12 миллион тонна юк ўтказиш кучига эга бўлган темир йўлининг 525 км бўлаги қуриб битказилиши диққатга сазовордир. Бу Қашқаргача бўлган умумий масофанинг

ярмидан кўпини ташкил этади. Қолган қисмини келаси йилнинг охирида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. Шундай қилиб, Буюк Ипақ йўли даврида мамлакатларимиз ўртасида мавжуд бўлган мунтазам алоқаларнинг қайта тикланиши ва энгиллаштирилиши яқин келажакдадир, бу «Шанхай-Париж» қитъалараро магистралининг бўлаги бўлиши «Анджон-Ош-Қашқар» темир йўлини ишга тушириш билан амалга оширилади.

Транспорт ва алоқа соҳаси, божхона, банк, арбитраж ва сурғурта тизимларида келажакда икки томонлама ҳамкорликни мустақкамлаш зарурлиги эътироф этилди.

ХХР фан ва техника вазирлигида бўлиб ўтган музокара-лар давомида томонлар илмий-

техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Хитой комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро кўшма комиссияси мажлиси доирасида Хитой вазирликлари, муассасалари, йирик корпорация ва компанияларида тегишли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни мустақкамлаш масалалари бўйича тадбиркорлар билдирилди. Тадбиркорлар авиация ва машинасозлик, энгил ва озиқ-овқат санаятида ҳамкорлик масалаларини муҳокама этидилар. Савдо-иқтисодий, жумладан, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган кимёвий маҳсулотлар партиясини етказиб бериш борасида битимлар имзоланди. Тошкент билан биродарлашган Шанхай шаҳрининг эркин иқтисодий ҳудудига Ўзбекистон Республикаси экспорт маҳсулотларининг доимий кўрганасини таъсис этиш бўйича битимга келишилди.

«ЖАХОН» АА

## ОБИДАНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Қўқондаги Худойёрхон саройи Марказий Осиёдаги тарихий обидалардан бири. Ўтмишнинг бу қадимий обидасига чинакам иккинчи умр бахшида эгиш юртимиз мустақилликка эришгандан сўнггина рўёбга чиқа бошлади. Бундан

икки йил аввал хон саройининг ички бинолари таъмирланиб, асл ҳолига қайтарилган эди. Яқинда эса тарихий обидани кираверишдаги, ўлкашунослик музейининг олд қисмидаги бинолар таъмирдан чиқарилди. Эндиликда бино янада

сервиқор ва ҳашаматли кўринишга эга бўлди. Бинога киравериш йўлагидан асфалт қопламалар ўрнига қадимий усулда пишқ гиштлар ётқизилди. «Меъмор» корхонаси томонидан амалга оширилган бу иш ҳам комплексга ўзгача қиёфа бахш этди.

**Ўз мухбиримиз.**



Вилоят хўжаликларида 1998 йили жами экин майдонларининг 0,05 фоизиди, яъни 133 гектариди картошка экилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 1000 тоннадан зиёд-роқ ҳосил олинди.

Декабрь ойининг бошларида мен Шўрчи бозорига картошканинг нархини сўрадим: — 1 килони 60-65 сўм дейишди. Сурхондарёда кўпинча картошкани Самарқанддан олиб келиб сотишади. Нархи арзон эмас, ҳозир ҳам шундай бўляпти. Бу томорқаларда картошка кўп етиштирилмаганини билдирди.

Сурхондарёда ўзи картошка қачон мўл бўлган, деган савол туғилиши табиий.

Биланглар картошка Ўзбекистонда XIX асрнинг биринчи ярмидан экилганлигини айтдилар. Жанубда бўлса бу

зираот асосан урушдан кейин — асрнинг иккинчи ярмида экила бошланган.

Воҳодларнинг картошкага қизиқуви сустлигига фақат шу нарса сабаб эмас. Сурхондарёда аксарият майдонларнинг тупроғи зич. Ўзида намликни

Тўхтамурод «Халқ сўзи» газетасининг муҳлиси. Газетанинг 1996 йил 14 декабрь ва 1997 йил 13 май сонларида босилган, «Батат» деб аталадиган ўсимлик ҳақидаги мақолалар ҳаёлидан кетмай қолди ва 1998 йил эрта баҳорда кунт-қушиш

пукли, ҳосили — йирик. Таъми картошканинг нақд ўзидай таркибиди қанд миқдори картошканикдан 1,5 баравар кўп. Иссиқсавар, сувсизликка бардошли. Қаламчасидан (по्याдаги бўгинларидан) тупроққа кўмиб ўстирилади. Ҳосилдор-

Тўхтамурод шундан сўнг кўп эмас 4 дона бататнинг поя-бўгинларини томоқсига қалади ва ... 250 кило ҳосил олади.

Тўхтамурод Муминов билан яна бир бор таништирсам... «Совур» қишлоқ фука-

## СУРХОНДАРЁБОП БАТАТ

Сурхондарёда энг кам экиладиган зираот — картошка

сақлай олмайди. Ҳаво бўлса — қуруқ, Ҳарорат баланд. Экинни 15-20 марта лаб сугориш имкониятлари бўлмай қолади. Картошканинг мўл-ҳосил туғилиши бундай шароит монелик қилади. Бу — деҳқоннинг ва қисман мутахассисларнинг ҳулосаси.

Одамларни картошкани кўпайтириш қийинроқ деган ҳулоса эмас, балки шу муаммонинг ижобий ечими кўпроқ қизиқтиради.

Шўрчилик Тўхтамурод Муминов деган одам худди шу ечимни топгандай бўлди.

қилиб Анджон вилоятининг Олтинқул туманидаги «Намуна» хўжалигида «Батат»ни ўстириб, ундан мўл-кўл ҳосил олаётган Набижон Ҳасанов деганининг уйига борди. Меҳмон бўлди. Муздаосини билдирди. Айтдики, тажрибангизни, тақсир, баҳам кўрсангиз. «Батат»ни Шўрчида олиб бориб эксам.

Ана шунда Набижон ака меҳмонга, «Батат» ҳақида билганларини тақрорлади: Батат «Ит ўзумлилар» оиласидан. Жаҳоннинг 100 дан ошқ мамлакатда экилади. Илдизи по-

лиги гектаридан 500 центнердан ошади...

**Батат** — картошканинг нави эмас.

**Батат** — картошкага оиладош зираот. Ўстириб-ўндиршишга қулай.

**Батат** — Сурхондарёбоп.

Тўхтамурод Анджондан уйига 4-5 кило батат олиб қайтди. Зира солиб тайёрланган димламасини тагиб кўрган кўни-кўшиларни, бу бирам хушгаъм картошка экан деб мақтов қилдилар.

ролар йиғини раиси. Еши қирқда, мўл-кўл томорқаси бўла туриб, тўрвасини шаҳардаги деҳқон бозоридан тўлдирувчилар ишига хайрати ошиб гапирди.

Тўхтамурод тажрибаси ҳақида мен вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг масъул ходимларига гапириб бердим.

— Бу ишни ўрганиш зарур экан-у, — дейишди улар, қизиқиларини яшира олмай. Гап энди шу қизиқиларнинг ерда қолмаслигига.

**Олимжон УСАНОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ**

# МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

## ЖАМОАСИ

*Барча ватандошларни чуқур мамнунияб ила*

# Янги - 1999 йил билан

*муборакбод этади.*

*Ишончимиз қимлик, 1999 йил давлатимизнинг, халқимизнинг обрўсига обрў қўшади,*  
*озод ва обод Ватан қуриш йўлида янги босқич бўлади.*

*Зеро, бунга бизнинг салоҳиятимиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам етади.*  
*Биз-келажаги буюк Ватанимизнинг истикболига қимил ишонч билан қараймиз!*

## АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

*Барчангизни янги йил билан муборакбод этар эканмиз, оилавий*  
*бахт, мустақкам соғлиқ, юртимизга тинч-тотувлик, гўзал*  
*мамлакатимизнинг янада гўллаб-яшнаши йўлидаги касби-корингизга*  
*зафарлар тилаймиз.*

*Янги йил барча оилалар ва инсонлар учун тўғанмас шодлик,*  
*бахт, секинчи ва файз-барока келтирсин!*  
*Илоё, Ватанимизни ёмон кўзлардан Яратганинг ўзи асрасин!*  
*Озод Ўзбекистоннинг буюк келажакини кўрмоқ, бахтли барчамизга насиб*  
*Этсин! Оллоҳнинг назари тўшган гўзал Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин.*

# ЯНГИ ЙИЛНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

